

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ  
ВА  
ТАЪЛИМ**

**6**  

---

**2020**

**Тошкент**

---

# **МУНДАРИЖА**

Умаров Ф.У.	Уй хўжаликлари кузатуvida инвестиция самарадорлигини ошириш давр талаби.....	126
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>		
Оқбоев А.Р.	Тикув-трикотаж саноати корхоналарида бренд рақобатбардошлиги бошқариш.....	132
Хуррамов С.Р.	Бошқарув кадрларини лавозимга танлашда ва уларнинг салоҳиятини баҳолаш иерархик таҳлил усулини қўллаш.....	137
Мардонов Ш.Р.	Пахта тозалаш корхонаси маркетинг стратегияси самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш.....	146
Умархонов Н.И.	Опыт развитых стран по использованию маркетингового аудита.....	151
Umurzaqova Z.S.	Tashqi omil ta'sirini baholash mexanizmlarini takomillashtirish.....	157
<b>КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ</b>		
Urinov B.N.	Issues of application of foreign practice of corporate culture in organizations.....	161
<b>ИЖТИМОЙ СОҲА</b>		
Касимова Г.А., Шодаров Д.А.	Ижтимоий соҳаларни молиялаштиришда давлат харидлари жараёнини ташкил этиш ва бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш.....	164
Рахимжонов А.В.	Нодавлат пенсия фондлари ва ўзбекистон пенсия тизимини такомиллаштириш зарурияти.....	170
Халимов Ф.Э.	Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	174
<b>ТАЪЛИМ</b>		
Салихов Н.Д.	Мактабгача таълим тизимини бошқаришнинг баҳолаш услубиёти.....	181
Навruz-Зода Б.Н., Тохиров Ж.Р.	Давлат-хусусий шериклик асосида таълим хизматлари сифатини оширишнинг хориж тажрибалари.....	189
Адизов Б.Б.	Олий таълим муассасаларининг стратегик бошқарув тамойиллари.....	196
<b>КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>		
Бобаназарова Ж.Х. Жураханов М.Э.	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари..... Роль государственной поддержки и развитие малого бизнеса Республики Узбекистан в период пандемии коронавируса.....	202 205
<b>МЕҲНАТ БОЗОРИ</b>		
Кудбиев Ш.Д.	Индикаторная оценка развития рынка труда и занятости населения Республики Узбекистан.....	211
Ташпулатов А.	Меҳнат бозорини имитацион прогнозлаштириш: тажриба ва услубиёт.....	215
Шамиев Г.У.	Тенденции развития человеческого капитала в Узбекистане: вопросы измерения и оценки.....	219
<b>ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>		
Хажимуратов Н.Ш. Авлоқулов А.З.	Молиявий ҳисобот аудитининг методологик муаммолари..... Аудитнинг халқаро стандартлари асосида таҳлилий амалларни қўллашни такомиллаштириш.....	225 229
<b>СТАТИСТИКА</b>		
Соатов С.С.	Ташқи савдо божхона статистикасида кўрсаткичларнинг корреляцион ва регрессион таҳлил қилиш усуллари.....	235
<b>РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ</b>		
Исломова Р.А., Мамадалиева Н.А.	Навоий вилоятида экотуризмни ривожлантириш соҳасидаги муаммоларни инновацион технологиялар асосида ечиш.....	241

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ БАҲОЛАШ УСЛУБИЁТИ

**Салихов Нодир Джамалович -  
Бухоро давлатуниверситети таянч докторанти**

**Аннотация:** Мақолада мактабгача таълим тизими ва унда амал қилаётган мактабгача таълим ташкилотини бошқариши баҳолаш, раҳбар ва ходимлар фаолиятини баҳолаш, олинган натижалар асосида рейтинг баҳолаш бўйича раҳбатлантириш батағсил баён қилинган.

**Калим сўзлар:** Таълим менежменти, мактабгача таълим, мактабгача таълим тизимини бошқариш, мактабгача таълим ташкилотини бошқариш, таълим ташкилотини рейтинг баҳолаш, таълим ташкилоти раҳбари фаолиятини баҳолаш, таълим ташкилотлари рейтинги.

**Аннотация:** В статье подробно описана оценка менеджмента системы дошкольного образования и существующей организации дошкольного образования, оценка деятельности руководителей и персонала, оценка рейтинга по полученным результатам.

**Ключевые слова:** Управление образованием, дошкольное образование, управление системой дошкольного образования, управление организацией дошкольного образования, оценка рейтинга организации образования, оценка деятельности руководителя организации образования, рейтинг организации образования.

**Abstract:** The article describes in detail the assessment of the management of the preschool education system and the existing organization of preschool education, the assessment of the activities of managers and staff, the assessment of the rating based on the results obtained.

**Key words:** Education management, preschool education, preschool education system management, preschool education organization management, educational organization rating assessment, performance assessment of the educational organization head, educational organization rating.

**Кириши.** Мактабгача таълим жараёни-нинг шаклланиши қадим замонларга, давлатчиликнинг юзага келиши билан боғлиқ. Ёш болаларга таълим ва тарбия бериш сарой амалдорларининг ёш фарзандларига дунёвий ва диний билимларни, давлатни бошқариш сир-асорларини ўргатишдан бошланган.

Ўзбекистонда ilk мактабгача таълим муассасаларининг шаклланиши ва кейинчалик Собиқ Иттифоқ даврида мактабгача таълим тизимини бошқариш маъмурий-буйруқ-бозлиқ усулида амалга оширилиб, бунда хукуматнинг турли маъмурий таъсир воситаларидан фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги Қонунида "мактабгача таълим ва тарбия" тушунчаси янада батағсил ёритилган: "мактабгача таълим ва тарбия-болаларга таълим ва тарбия беришга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек, болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган узлуксиз таълим тури" (Қонун, 2019). Ушбу талқин мактабгача таълим ва тарбия болани баркамол шахс қилиб тарбиялаш жараёнининг дастлабки босқичи эканлигини билдириб, умумий ўрта таълимга тайёрлаш вазифасини бажарувчи таълимнинг дастлабки тури сифатида белгиланган.

МТМ (мактабгача таълим муассасалари) фаолиятини ўрганиш, мониторингини ўтказиш, МТМ раҳбарининг бошқарувчилик

қобилиятига баҳо бериш қўплаб хорижий адабиётларда, илмий тадқиқот ишларида кўзга ташланади.

Мактабгача таълим тўғрисида қўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинган ҳамда олимлар мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган бўлсаларда, мактабгача таълим тизимини самарали бошқариш, мактабгача таълим ташкилотлари ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш ва бунинг натижасида мактабгача таълим ва тарбия сифатли хизматини таклиф қилиш, мактабгача таълим ташкилотида раҳбарларнинг менежмент илмини чуқур билмасликлари оқибатида, ёш авлоднинг таълим ва тарбия масаларида қўплаб камчилик ва нуқсонлар учрайди.

Илмий тадқиқот ишимизда мактабгача таълим менежментининг моҳиятини чуқур анлаган ҳолда, мактабгача таълим тизими-ни самарали бошқариш ҳамда мактабгача таълим ташкилоти раҳбари фаолиятини баҳолаш ҳамда таълим ташкилотлари ва уларнинг ходимлари рейтинг натижалари бўйича раҳбатлантириш йўналишларини кўрсатиб бердик.

**Материаллар.** Илмий тадқиқот материаллари сифатида мактабгача таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунари, Ўзбекистон Республикаси фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, олимларнинг менежмент ва педагогика, таълим менежмен-

ти ва педагогик менежмент, мактабгача таълим ташкилотини бошқариш ҳақидаги илмий, илмий-услубий ишларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот усуллари.** Назарий тадқиқот усуллари сифатида таққослама анализ, илмий ва илмий-услубий ишларни (фикрларни) умумлаштириш, индукция ва дедукция, илмий билиш усуллари қўлланилди.

**Натижалар.** Вақт ўзгариши билан мактабгача таълим тизими замонавийлашиб, жадаллик билан ўзгараётган жамиятда таълимга қўйилаётган талабларга мослашиб бормоқда. Тизим ташкилотларида раҳбарларнинг иш услублари, бошқарув маданияти, педагогик жараёнлар жуда тез ўзгариши билан биргалиқда, бошқарув ва педагогик жараёнларнинг замон билан ҳамнафас бўлишини таъминлашга кўмак берувчи ахборот ресурсларининг шакллари ва миқдори ортиб, мактабгача таълим тизимининг сифатини юқори даражада бўлишини таъминловчи имкониятлар яратилган.

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларидан менежмент билимини эгаллаганлик, ташкилотчилик, яратувчилик каби фазилатларнинг ўзида мужассам қилиб, раҳбарлик масъулиятини юқори бўлишини тақозо қилмоқда. Раҳбар маънавияти, юксак маданияти ва халқпарварлиги жамоани бошқариш, ташкилот мақсади томон етаклашида зарур бўлиб ҳисобланмоқда. Замонавий мактабгача таълим ташкилотида кадрларни танлаш, уларнинг билим ва малакаларини мунтазам ошириб борища сўнгти йиллардаги билим ва тажрибани ўзлаштириб бориш асосий шартлардан биридир.

Кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, олимлар МТМ фаолиятини ўрганиш, раҳбар ва ходимлар меҳнат натижасига баҳо беришда худуд, ўzlари яшайдиган минтақа хусусиятидан келиб чиққанлар. Масалан, С.С. Белых фикрича, “Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган МТМ ўз фаолиятларини маиший хизматлар манфаатларига бўйсинувчи долзарб талабларга эътибор қаратади”. Оима МТМ фаолиятини тўлиқ бозор муносабатларига қаратиб, аҳолининг мактабгача таълим хизматларини сотиб олиш имкониятларини, уларнинг МТМ хизматларига қўяётган талабларини хизматлар нархлари билан таққослайди ҳамда ҳозирги вақтда Россия аҳолиси қандай нархдаги хизматларни сотиб олиши мумкинлиги ҳақида хулосаларини билдиради (С.С. Белых, pp. 107-110).

Шунингдек, Е.Г. Григорьева МТМ фаолиятини баҳолашда маъмурий, иқтисодий таъсир воситаларининг Россия қонунчилигига боғлаб ўрганган ҳамда аҳоли ва МТМ ходимларидан ташкилот фаолияти бўйича фикрларини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровномадаги аксарият саволлар Россия ҳукумати томонидан қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатларига муносабати мазмунида бўлган (Е.Г.Григорьева, pp. 116-122).

Юқорида келтирилган ва бошқа олимларнинг МТМ ва унинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашда ҳар бир мамлакат иқтисодий ривожланиш даражаси, аҳолининг маънавияти, маданий қадриятларини инобатга олган ҳолда, МТМ хизматлари ҳажми ва нархи, аҳолининг МТМ хизматларини сотиб олиш имконияти, маънавий ривожланиш даражасини инобатга олиб, МТМ ва унинг раҳбари фаолиятини баҳолашда худудий ёндашиш маъқул деб ҳисоблаб, мустақил баҳолаш услубиётини ишлаб чиқдик.

Мактабгача таълим тизими ва тизимда фаолият юритаётган ташкилотлар фаолият йўналишларига мос баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларни, макон ва амалий жиҳатларини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Мактабгача таълим тизимини бошқариш натижаси тизим ташкилотларининг фаолияти, мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг соғлом, баркамол қилиб тарбиялашда намоён бўлади. Мамлакатимиз мактабгача таълим тизими ва унда фаолият кўрсатаётган ташкилотлари олдига ҳукуматимиз томонидан муҳим вазифалар қўйилган, авваламбор, 2030 йилгача тизим фаолияти натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорида батафсил ёритилган бўлиб, белгиланган вазифаларнинг ўз муддатида сифатли бажарилиши тизимнинг самарали ишлаганини кўрсатиб беради (Қарор, 2019).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорида концепция доирасида амалга ошириладиган тадбирлардан қўйидаги натижаларга эришиш кутилмоқда:

Концепцияни амалга оширишдан қўйидаги натижалар кутилмоқда:

барча болаларга сифатли мактабгача таълим олиш учун бир хил имкониятларни таъминловчи мактабгача таълимнинг самарали инновацион тизимининг шаклланиши;

мактабгача таълимни инсоннинг бутун ҳаёти давомидаги узлуксиз таълимнинг биринчи босқичи сифатида белгилаш, болани шахс сифатида жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда унинг роли оширилиши;

мактабгача таълим муассасаларининг намуна ва турлари хилма-хиллиги асосида мактабгача таълим тизимида институционал ўзгаришлар амалга оширилиши, мазкур соҳада соғлом рақобат муҳитининг яратилиши;

замонавий энергия ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш асосида мактабгача таълим муассасаларининг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг кенгайтирилиши, уларнинг ўқув-методик, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар, мебель, компьютер техникаси, ўқув ускуналари билан жиҳозланиши;

мактабгача таълим соҳасига хусусий секторнинг жалб қилиниши, унинг ижтимоий жавобгарлиги оширилиши, молиялаштириш манбаларининг кенгайтирилиши ва мактабгача таълим хизматлари турларининг кўпайиши;

мактабгача таълим тизими молиялаштиришнинг кўпайтирилиши, мактабгача таълим хизматларини кўрсатишда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигининг оширилиши, педагог ходимлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлашнинг таъминланиши;

мактабгача таълим сифатини бошқаришнинг ижтимоий-давлат тизими жорий этилиши;

олти ёшли болаларнинг мажбурий бир йиллик бепул умумий бошланғич таълимга тайёрлаш билан тўлиқ қамраб олинишининг таъминланиши;

3-7 ёшгача болаларнинг 80,8 фоизини мактабгача таълим билан қамраб олинишининг таъминланиши;

мактабгача таълим муассасаларида педагог ходимлар сони 247,7 мингтагача етказилиши.

Ушбу Қарорнинг 2-иловасида Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» кўрсатилган бўлиб, Концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар

ва тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиқсан ҳолда ҳар йили тасдиқланадиган алоҳида «Йўл харитаси» асосида босқичма-босқич амалга оширилиши ҳамда Мактабгача таълим вазирлиги томонидан Концепциянинг амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш, умумий мувофиқлаштириш, республикада мактабгача таълимнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоли масалаларни тезкор кўриб чиқиш ва ҳал қилиш, Концепцияни амалга ошириш мониторинги кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли бажариш бўйича ваколатли органлар фаoliyatini баҳолаш индикаторлари асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган (Қарор, 2019).

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни 41-моддасида таълим ташкилоти рейтингини амалга ошириш қўйидагида ёритилган:

Таълим ташкилотларининг рейтинги:

- таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;
- илмий-педагогик фаолият даражасининг ўсишини ва сифатининг ошишини рафбатлантириш;
- педагог-ходимларнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш;
- ўқитиш сифатининг юкори кўрсаткичларига эришиш;
- меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларида белгиланади.

Рейтингни белгилаш учун таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги учун таълим ташкилотининг раҳбари шахсан жавобгар булади (Қонун, 2020).

Ушбу Қонуннинг 42-моддасида таълим тизимида мониторинг тўғрисида сўз юритилиб, давлат органлари мунтазам таълим ташкилотида таълим сифатини назорат қилиб боришини мониторингини ўтказишилари, Қонуннинг 43-моддасида таълим соҳасидаги давлат назорати муҳим эканлиги кўрсатилиб, таълим ташкилотлари таълим сифатини ошириб бориш учун маъсул эканликлари, таълим сифати пасайган ташкилотлар фаoliyati тўхтатилиши белгилаб қўйилган (Қонун, 2020).

**Мунозара.** Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим тўғрисидаги қонун хужжатларида келтирилган баҳолаш индикаторларини, шунингдек, мактабгача таълим тизими фаолиятига оид ҳукуматимиз томо-

## ТАЪЛИМ

нидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни ўрганиб чиқиши натижасида, ҳудуд мактабга-

ча таълим ташкилотларини баҳолашнинг кўйидаги кўрсаткичларини таклиф қиласиз:

1. Мактабгача бўлган ёшдаги болаларни таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси ( $K_1$ )

$$2. K_1 = \frac{A_{\text{МТМ} \text{га қатнайдиган ҳудуддаги 3-7 ёшдаги болалар}}{A_{\text{ҳудуддаги 3-7 ёшдаги болалар}}} * 100 (1);$$

3. Нодавлат мактабгача таълим муассасалари улуши ( $K_2$ )

$$K_2 = \frac{N_{\text{ҳудуддаги нодавлат МТМлар миқдори}}}{N_{\text{ҳудуддаги жами МТМлар миқдори}}} * 100 (2);$$

4. Нодавлат мактабгача таълим муассасаларига қатнайдиган болалар улуши ( $K_3$ )

$$K_3 = \frac{A_{\text{нодавлат МТМ} \text{га қатнайдиган ҳудуддаги 3-7 ёшдаги болалар}}}{A_{\text{жами МТМ} \text{га қатнайдиган ҳудуддаги 3-7 ёшдаги болалар}}} * 100 (3);$$

5. Гурухларни тўлдириш кўрсаткичи ( $K_4$ )

$$K_4 = \left| 100 - \frac{\frac{1}{n} \sum_{i=1}^n A_{\text{МТМ} \text{ гуруҳидаги болалар миқдори}}}{30} * 100 \right| (4);$$

6. МТМдаги олий маълумотлилар улуши ( $K_5$ )

$$K_5 = \frac{A_{\text{МТМ} \text{ олий маълумотли педагог ходимлари}}}{A_{\text{МТМдаги жами педагог--ходимлар}}} * 100 (5);$$

7. Сўнгги 3 йил ичида малака оширган МТМ ходимлари ( $K_6$ )

$$K_6 = \frac{A_{\text{сўнгги 3 йил ичида малака оширган МТМ педагог ходимлари}}}{A_{\text{жами МТМ педагог ходимлари}}} * 100 (6);$$

8. МТМда бўлган вақти юқумли касаллик юқтирган болалар улуши ( $K_7$ )

$$K_7 = 100 - \frac{A_{\text{МТМда бўлган вақти касаллик юқтирган болалар миқдори}}}{A_{\text{МТМ} \text{га қатнайдиган болалар}}} * 100 (7);$$

Ўрганилаётган ҳудуд МТМларида тадқиқот муддати бўйича болалар неча марта касалланишидан қатъий назар, бир марта касалланган деб ҳисобланишади. Бу ҳисоблаш боланинг индивидуал жисмоний ривожланиши, организмда касалликка қарши курашиш қобилияти инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

9. МТМда бўлган вақти овқатдан касалланган болалар улуши ( $K_8$ )

$$K_8 = 100 - \frac{A_{\text{МТМда бўлган вақти овқатдан касалланган болалар миқдори}}}{A_{\text{МТМ} \text{га қатнайдиган болалар}}} * 100 (8);$$

Ўрганилаётган ҳудуд МТМларида тадқиқот муддати бўйича болалар неча марта касалланишидан қатъий назар, бир марта касалланган деб ҳисобланишади.

10. МТМда бўлган вақти жароҳат олган болалар улуши ( $K_9$ )

$$K_9 = 100 - \frac{A_{\text{МТМда бўлган вақти жароҳат олган болалар миқдори}}}{A_{\text{МТМ} \text{га қатнайдиган болалар}}} * 100 (9);$$

Ўрганилаётган ҳудуд МТМларида тадқиқот муддати бўйича болалар неча марта жароҳат олишидан қатъий назар, бир марта касалланган деб ҳисобланишади. Бу ҳисоблашда бола организмининг соғломлиги, жисмоний ривожланганлиги инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилди.

11. МТМ хоналарининг замонавий ахборот воситалари билан таъминланганлиги ( $K_{10}$ )

$$K_{10} = \frac{N_{\text{замонавий ахборот воситалари билан таъминланган гуруҳлар хоналари}}}{N_{\text{МТМдаги жами гуруҳлар хоналари}}} * 100 (10);$$

Ҳудудлардаги мактабгача таълим муассасаларини юқоридаги кўрсаткичлар асосида ўрганиш натижасида, кўрсаткичлар миқдори аниқланади ва ҳудуд МТМ тизими ривожланганлиги кўрсаткичи геометрик ўртача миқдорда кўйидагича ҳисоблаб чиқарилади:

$$K_{\text{МТМ рив.}} = \sqrt[10]{\prod_{i=1}^{10} K_i} = \sqrt[10]{K_1 * K_2 * K_3 * K_4 * K_5 * K_6 * K_7 * K_8 * K_9 * K_{10}} (11);$$

Ҳудудлар МТМлари фаолиятини ҳар бир кўрсаткичи ҳамда умумий, яъни ҳудуд МТМ тизими ривожланганлиги кўрсаткични аниқ кўриш ва таҳлил қилиш мақсадида натижалар жадвалга жойлаштирилади (1-жадвал).

Ҳудудлардаги МТМлар фаолиятлари таҳлил қилингач, олинган натижага асосан, кўйидагича баҳоланади:

1. Максимал баллнинг 65,0-100 фоизидаги натижага эга ҳудудлар мактабгача таълим бўлими фаолияти «аъло»;

2. Максимал баллнинг 51,0-64,9 фоизидаги натижага эга бўлган ҳудудлар мактабгача таълим бўлими фаолияти “урта”;

3. Максимал баллнинг 41,0-50,9 фоизидаги натижасига эга бўлган ҳудудлар мактабгача таълим бўлими фаолияти “қониқарли”;

## ТАЪЛИМ

4. Максимал баллнинг 0-40,0 фоизи натижасига эга худудлар мактабгача таълим

бўлими фаолияти “қониқарсиз” деб ҳисобланади.

### 1-жадвал

**Худудлар МТМлар фаолиятини рейтинг баҳолаш натижалари**

т.р.	<b>Шахарлар ва туманлар номи</b>	Мактабгача бўлган ёшдаги болаларни таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси (К1)	<b>Нодавлат мактабгача таълим муассасаларига қатнайдиган болалар улуши (К2)</b>	<b>Гурухларни тўлдириш кўрсаткичи (К4)</b>	<b>МТМдаги олий маълумотлилар улуши (К5)</b>	<b>Сўнгги 5 йил ичida малака оширган МТМ ходимлари (К6)</b>	<b>МТМда бўлган вакти юкумли касаллик юқтирган болалар улуши (К7)</b>	<b>МТМда бўлган вакти овқатдан касалланган болалар улуши (К8)</b>	<b>МТМда бўлган вакти жароҳат олган болалар улуши (К9)</b>	<b>МТМ хоналарининг замонавий ахборот воситалари билан таъминланганлиги (К10)</b>	<b>ХУДУД МТМ тизими ривожланганлиги кўрсаткичи, КМТМ рив.</b>
	Шаҳарлар										
1.											
2.											
....											
n	Туманлар										
1.											
2.											
...											
n											

**Манба:** Муаллиф тадқиқотлари натижасида ҳисобланди.

Икки ва ундан ортиқ худуд МТМлари натижалари бир хил бўлган вазиятда биринчи, яъни мактабгача бўлган ёшдаги болаларни таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси (К1) муҳимлигини инобатга олиб, бу кўрсаткич миқдори юқори бўлган худуд юқори ўринга жойлаштирилади.

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг бошқарув фаолияти ва педагогик ходимларнинг фаолиятини фарзандлари МТМга қатнайдиган ота-оналар берадиган баҳоларидан аниқлаш мумкин бўлади ва бу фаолият Давлат мактабгача таълим ташкилоти кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни 50-моддасида Давлат мактабгача таълим ташкилоти кузатув кенгаши тўғрисида куйидаги фикрлар билдирилган:

Давлат мактабгача таълим ташкилотида болани тарбиялаш, ривожлантириш ва унга таълим беришга кўмаклашиш мақсади-

да кузатув кенгаши ташкил этилиб, унинг таркиби ушбу ташкилотга борадиган болаларнинг қонуний вакиллари, ўз ходимлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари орасидан шакллантирилади.

Давлат мактабгача таълим ташкилотининг кузатув кенгаши:

давлат мактабгача таълим ташкилотини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига келишиб олишга киритиш учун туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими томонидан тавсия этилган номзодлар орасидан давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарини белгилайди, шунингдек уни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш юзасидан таклифлар киритади;

давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг ушбу ташкилот фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган

чора-тадбирлар, молия-хўжалик ҳолати, даромадлар ва харажатлар, бюджет маблағларидан, бюджетдан ташқари, ҳомийлик ва бошқа маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисботларини эшитади;

давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг ва бошқа ходимларининг фаолиятига тааллуқли ижтимоий сўровлар ўтказади;

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўйимларига давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларини ва бошқа ходимларини рағбатлантириш тўғрисида таклифлар киритади.

Давлат мактабгача таълим ташкилотининг кузатув кенгаши қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Давлат мактабгача таълим ташкилоти кузатув кенгашининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

Юқоридаги фикрлардан кўриш мумкинки, Давлат мактабгача таълим ташкилоти

кузатув кенгаши МТМ фаолиятини назорат қилиб борища, ташкилот раҳбари ва ходимлари фаолиятини ўрганиб бориш, уларга педагогик, психологик ва молиявий жиҳатдан йўналишларни белгилашда муҳим роль йўнайди. Мактабгача таълим ташкилоти раҳбари ва ходимларининг фаолиятини ўрганиб, баҳолаб бориш, уларнинг меҳнат фаолиятларини рағбатлантириш ва интизомий жазо қўллаш таклифи давлат мактабгача таълим ташкилоти кузатув кенгаши зиммасига юклатилган. Қонуннинг юқорида ёритилган 50-моддаси 5-бандида давлат мактабгача таълим ташкилоти кузатув кенгаши давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг ва бошқа ходимларининг фаолиятига тааллуқли ижтимоий сўровлар ўтказиши белгилаб қўйилганлиги, ташкилот раҳбари ва ходимлар фаолиятини ўрганишда анкета сўрови ўтказиши кузатув кенгаши орқали амалга ошириш имкониятини яратади.

Тадқиқот ишимизда фарзандлари МТМга қатнаётган ота-оналарнинг МТМ фаолиятига баҳо беришларини аниқлаш мақсадида анкета сўрови ишлаб чиқилди.

### МТМ фаолиятини ўрганиш бўйича АНКЕТА

Саволларга тўғри, ҳаққоний жавоб бериниз МТМлар фаолиятида турли муаммоларни бартараф қилишга ёрдам беради. Сиз берган жавобларнинг сир сақланиши кафолатланади.

1. Ёшингиз: а) 20-30; б) 31-40 в) 41-50 г) 51-60;
2. Жинсингиз: а) эркак б) аёл;
3. Оиласда нечта фарзандингиз мавжуд? а) 1; б) 2; в) 3; г) 4 ва ундан ортиқ;
4. Маълумотингиз: а) ўрта; б) ўрта маҳсус; в) олий.
5. МТМга қатнайдиган фарзандингизнинг ёши: а) 1-2; б) 3; б) 4; в) 5; г) 6; д) 7.
6. Сизнинг фарзандингиз билан олиб борилаётган ўқув-тарбиявий ишларни қандай баҳолайсиз? а) қониқарсиз; б) қониқарли; в) ўрта; г) олий.
7. Болангизнинг МТМ машғулотларидан хабардормисиз? а) йўқ; б) ҳа; в) қисман.
8. Сизнинг болангизга МТМ ходимларининг муносабати қандай?  
а) ёмон б) ўртacha в) яхши.
9. МТМдаги таълим хизматига баҳо беринг (1 дан 5 баллгача):  
а) 1; б) 2; в) 3; г) 4; д) 5.
10. МТМдаги ўйинчоқлар, адабиёт, техник воситаларга баҳо беринг:
11. а) 1; б) 2; в) 3; г) 4; д) 5.
12. Фарзандингиз МТМ вақтидан ташқари қандай таълим хизматлари олмоқда?
  
13. Фарзандингиз бу хизматни қаерда олмоқда?  
а) МТМда; б) МТМдан бошқа муассасада.
14. Ҳар ой МТМ учун қанча пул сарфлайсиз? \_\_\_\_\_ минг сўм.
15. Имкониятингиздан келиб чиқиб, ҳар ой МТМ ва фарзандингиз таълим ва тарбияси учун қанча пул миқдорини сарфлашни хоҳлайсиз? \_\_\_\_\_ минг сўм.
16. Фарзандингиз қатнайдиган МТМ ижобий жиҳатини белгиланг:  
а) шу худудда машҳур;  
б) ҳовуз мавжудлиги;  
в) фарзандимга оид психологик хизмат яхши;

## ТАЪЛИМ

- г) мактабга тайёрлов курси юқори даражада ташкил қилинган;  
д) мен яшайдиган уйга яқин жойлашган.  
е) МТМ ходимлари таниш;  
ж) фарзандим тарбиячилари билан яхши муносабатда;  
з) таълим ва тарбияда хилма-хил датурлари кўп;  
и) педагогик ишларнинг яхши ташкил қилинганлиги;  
к) материал-техник базаси бой;  
л) ўйин майдончаси фарзандим учун ажойиб;  
м) болани овқатлантириши яхши;  
н) бола соғлиги яхши парвариш қилинади;  
о) сифатли қўшимча таълим хизматлари таклиф қилинади;  
п) таълим ва тарбия тўлиқ бола ривожланишига қаратилган;  
р) бошқа ижобий томони \_\_\_\_\_  
17. МТМ фаолияти бўйича қандай таклифингиз бор? \_\_\_\_\_

18. МТМда фарзандингиз таълим ва тарбияси учун яна қандай хизматлар бўлишини хоҳлайсиз? \_\_\_\_\_

### Жавобларингиз учун раҳмат!

МТМ фаолиятини холисона ўрганишда фарзандлари МТМга қатнайдиган ота-оналар Респондентлар фикрларини замонавий ахборот воситаларидан бири ҳисобланган интернет саҳифалари ва ижтимоий тармоқлар ёрдамида йиғиб оламиз.

Раҳбарнинг бошқарув маҳоратини ўрганиш МТМ фаолиятига баҳо беришда зарур жараён бўлиб, раҳбарнинг бошқарув, мене-

жерлик фаолиятини МТМ ходимларидан ўтказилган анкета сўрови орқали аниқлаш имконияти ҳосил бўлади. Ўтказилаётган анкета сўровидаги саволлар мазмуни раҳбарнинг замонавий бошқарув усусларидан фойдаланиши, менежмент функциялари ва тамоилларининг тўғри белгиланганлигига қаратилди.

### МТМ раҳбари фаолиятини ўрганиш бўйича А Н К Е Т А

- Сизнинг мактабгача таълим ташкилотингиз раҳбарингиз жинси:  
а) эркак; б) аёл.
- Сизнинг мактабгача таълим ташкилотингиз раҳбарининг ёши:  
А) 20-30; б) 30-39; в) 40-49; г) 50-59; д) 60 ёшдан катта;
- МТМ раҳбарингиз маълумоти:  
а) ўрта; б) ўрта маҳсус; в) олий; г) илмий даражা.
- МТМ раҳбарингизнинг раҳбарликдаги иш стажи неча йил?  
а) 0-1; б) 1-3; в) 3-5; г) 5-10; д) 10-20; е) 20-30.
- МТМ раҳбарингизнинг мутахассислиги:  
а) педагог б) иқтисодиёт в) бошқа мутахассислик \_\_\_\_\_
- МТМ раҳбарингиз сўнгги 5 йилда менежмент бўйича қўшимча маълумот олганми?  
а) ҳа; б) йўқ.
- МТМда мақсад ва вазифалар аниқ белгилаб олинганми?  
а) ҳа; б) қисман; в) йўқ.
- МТМда меҳнат жамоаси тўлиқ шакллантирилганми?  
а) ҳа; б) қисман; в) йўқ.
- МТМ раҳбари жамоани меҳнатга тўлиқ даъватлантира оладими?  
а) ҳа; б) қисман; в) йўқ.
- МТМ ходимлари фаолияти тўлиқ ўрганилиб, меҳнат қонунчилиги билан мувофиқлаштириб бориладими?  
а) ҳа; б) қисман; в) йўқ.
- МТМда менежментнинг қайси тамоиллари намоён бўлади?

## ТАЪЛИМ

а) масъулият; б) интизом; в) рағбатлантириш; г) сўз ва иш бирлиги; д) ходимларга нисбатан эътибор, хурмат; е) вазифаларнинг бирин-кетин, аниқ тақсиланиши; ж) бошқалар

12. МТМда менежментнинг қайси усуллари кўпроқ қўлланилади?

а) ташкилий; б) маъмурий; в) иқтисодий; г) ижтимоий-психологик;

13. МТМда ходимлар меҳнати қайси иқтисодий усулларда рағбатлантирилади?

а) умуман рағбатлантирилмайди; б) тариф ставкалари оширилади; в) устама ҳақлар белгиланади; г) пул ва моддий ёрдамлар берилади; д) мукофот.

14. МТМ меҳнат жамоасида психологик муҳит қандай?

а) ёмон; б) яхши; в) чидаб ишласа бўлади.

15. МТМда ходимларнинг шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш учун имконият мавжудми?

а) ҳа; б) қисман; в) йўқ.

16. МТМда ходимлар фаолиятини назорат қилиш мақсадида, рақамли технологиялар (компьютер, камералар ва бошқалар) қўлланиладими?

а) ҳа; б) йўқ.

**Жавобларингиз учун раҳмат!**

МТМ раҳбарлари тўғрисида олинаётган сўровнома раҳбарнинг менежмент йўналишида эгаллаган билим даражаси, меҳнат жамоасини бошқариш қобилиятига баҳо бериб, ҳудудлардаги мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг замонавий менежмент воситаларидан самарали фойдаланиши бўйича рейтингини тузиб чиқиш имкониятини беради.

**Хулоса.** Таълим менежменти педагогик ва дидактич менежментдан фарқли равища, таълим тизими ва унда амал қилаётган ташкилотларни ҳамда таълим жараёнини самарали бошқаришни англатади.

Бошланғич таълим менежменти педагогика, психология ва социология фанлари кўплаб жиҳатлари билан уйғунлашган менежментнинг муҳим соҳаси сифатида, асосий мақсад инсоннинг дастлабки йилларидан бошлаб, мактаб ёшига қадар комил инсон сифатида тарбиялаш жараёнини самарали бошқариш бўлиб ҳисобланади.

Мактабгача таълим ташкилоти раҳбари педагогик билимлар билан биргаликда менежментнинг сир-асрорларидан, айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатлари жадал ривожланиб бораётган, корхона ва ташкилотлар ўзларининг инновацион фаолиятларига катта эътибор қаратади. МАДА таълим мактабгача таълим муассасасини самарали бошқариш, унинг келгусида тараққий қилиб бориш йўл-йўриқларини пухта эгаллаши талаб қилинади. Мактабгача таълим ташкилоти менежмент билимини қай даражада эгаллаганлиги мактабгача таълим ташкилоти фаолияти натижаларида, ҳудудда рақобат да енгид чиқишида, нуфузида маълум бўлади.

Мактабгача таълим тизими ва тизимда фаолият юритаётган ташкилотлар фаолият йўналишларига мос баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишда хукуматимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларни, макон ва амалий жиҳатларини ҳисобга олиш зарур эканлигини инобатга олиб, мактабгача таълим тизими ва мактабгача таълим ташкилотини рейтинг баҳолаш услубиётини ишлаб чиқдик. Бунда мактабгача таълим тизими ва ташкилоти фаолиятини акс эттирувчи ўндан ортиқ кўрсаткичлардан фойдаландик.

МТМ фаолиятини холисона ўрганишда фарзандлари МТМга қатнайдиган ота-оналар Респондентлар фикрларини замонавий ахборот воситаларидан бири ҳисобланган интернет саҳифалари ва ижтимоий тармоқлар ёрдамида йиғиб ҳозирги кунда рақамли технологиялардан фойдаланиш сўров ўтказиш ва натижаларни ҳисоблаш ишларини осонлаштиради.

Раҳбарнинг бошқарув маҳоратини ўрганиш МТМ фаолиятига баҳо беришда зарур жараён бўлиб, раҳбарнинг бошқарув, менежерлик фаолиятини МТМ ходимларидан ўтказилган анкета сўрови орқали аниқлаш имконияти ҳосил бўлади. Ўтказилаётган анкета сўровидаги саволлар мазмуни раҳбарнинг замонавий бошқарув усулларидан фойдаланиши, менежмент функциялари ва тамоилиларининг тўғрилигига қаратилди.

Ҳудудлар МТМлари рейтингини ҳар чоракда ёки йилда бир марта ҳисоблаб бориш ва натижаси юқори бўлган ҳудуд мактабгача таълим бўлимига «Намунали мактабгача таълим бўлими» номи билан тақдирлаш ва ху-

## ТАЪЛИМ

дуддаги кўрсаткичлари юқори бўлган МТМга «Намунали мактабгача таълим ташкилоти» номини бериб, моддий ва маънавий рағбатлантиришни йўлга кўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўрганилган ҳудудларнинг паст натижага эришган МТМларига замона-

вий менежментнинг юқори самарали таъсирга эга усууларини жорий қилиш орқали, муассаса фаолиятини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилади. Бу фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим ташкилотларини бошқаришнинг самарали воситаси ҳисобланади.

### **Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Баева Л. В. *An Introduction to early years Education in England [Book]*. - Москва : Прометей, 2012.
2. Белых Светлана Сергеевна "Управление развитием дошкольного образования в Республике Коми в условиях рыночной экономики" [Диссертация]. - Сыктывкар, 1998.
3. Веракса Н.Е., Комарова Т.С. *От рождения до школы. Основная общеобразовательная программа дошкольного образования [Book]*. - Москва : Мозаика-Синтез, 2010.
4. Гамаюнов В.Г., Шемяков А.Д. *Механизмы управления образованием [Journal]* // *Открытое образование*. - Москва : [s.n.], 2017 йил. - 21(5). - pp. 63-71.
5. Григорьева Евгения Гербовна "Регулирование рынков дошкольных услуг" [Диссертация]. - Красноярск : 2008.
6. Джусураев Р.Х., Тургунов С.Т. "Таълим менежменти" умумий ўрта таълим муассасалари директорлари учун қўлланма [Book]. - Тошкент : Ворис-нашриёт, 2006. - pp. 14-16.
7. Квасникова Н.М. Управление инновационной деятельностью в учреждениях дошкольного общего образования. - Санкт-Петербург : Череповецкий государственный университет, 2012 йил.
8. Михеева С. А. Управление образованием и педагогический менеджмент: терминологический аспект [Journal] // Управление образованием: теория и практика. - Москва : [s.n.], 2018 йил. - 30. - pp. 11-22. - 2.
9. Омельченко Е.А., Зверкова А.Ю., Чеснокова Г.С. Дошкольное образование в условиях ФГОС: управление, методическая деятельность, психолого-педагогическое сопровождение [Book]. - Новосибирск : ООО ЦСРНИ, 2015.
10. Петряков П.А. Концепции и стратегии образовательного менеджмента ВУЗа в отечественной и зарубежной педагогике // Автореферат. - Великий Новгород, Россия : ИПЦ НовГУ, 2013 г.. - Т. стр. 21.
11. Сафаров О. С. Замонавий менежмент ёндашувлари асосида ҳалқ таълими тизимини бошқариши тақомиллаштириш. - Тошкент : "Академия ноширлик маркази" Давлат унитар корхонаси, 2018 йил. - р. 13.
12. Сафонова О.А. Управление качеством образования в дошкольном образовательном учреждении. - Москва : МПГУ, 2004 йил.
13. Семина Т.М. Совершенствование модели повышения квалификации руководителей дошкольных образовательных учреждений. - Новосибирск : Новосибирский педагогический университет, 2006 йил.
14. Смолин О. С. Управление учреждением образования в контексте образовательной политики: правовый аспект [Journal] // Право и образование. - Москва : [s.n.], 2006 йил. - 2.
15. Ўзбекистон Республикасининг "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги Қонуни. - Тошкент : "Ҳалқ сўзи" газетаси, Қонун, 2019 йил. - pp. 1-2.
16. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. - Тошкент : Ҳалқ сўзи газетаси, Қонун, 2020 йил. - pp. 1-2.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори. - Тошкент : Ҳалқ сўзи газетаси, Қарор, 2019 йил. - pp. 1-2.
18. Фалюшина Л.И. Управление качеством в макросистемах дошкольного образования . -М.: УлГТУ, 2005 йил.
19. Фильченкова И.Ф. Образовательный менеджмент инновационной деятельности педагогических исследований [Journal] // Вестник Мининского университета. - Нижний Новгород : Мининский университет, 2019 йил. - 4 : Vol. 7. - p. 3.
20. Ш. Шодмонова Мактабгача таълим педагогикаси [Book]. - Тошкент : Фан ва технология, 2008.

## **ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ**

**Навруз-Зода Бахтиёр Негматович -  
Бухоро давлат университети, и.ф.д., профессор  
Тохиров Жавлон Рахимович -  
Бухоро давлат университети, таянч докторант**

**Аннотация:** Ушбу мақола таълим хизматлари сифатини оширишда Давлат-хусусий шерикликни қўллаш ҳолати ва ривожлантирилишига бағишланган. Мазкур мақолани ёзишда Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Африка Республикаси мамлакатларининг олий таълим муассасаларда таълим хизматлари сифатининг рейтинг кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Давлат-хусусий шериклик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда таълим хизматлари сифатини ошириш борасидаги хulosалар берилган.

**Калит сўзлар:** Давлат ва хусусий шериклик, давлат сектори, хусусий сектор, таълим, таълим сифати, BRICS, QS, таълим хизмати.